

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ
ҲАРБИЙ-ТЕХНИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.30.08.2018.Үн.74.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ
ҲАРБИЙ-ТЕХНИК ИНСТИТУТИ**

КУЧКАРОВ ХАЙРУЛЛА ЗИКИРИЛЛАЕВИЧ

**ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА НАЗОРАТ ТАРТИБИДА
ИШ ЮРИТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика,
тезкор-кидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси

**Юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019 йил

Докторлик (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации (PhD)
Content of the abstract of the doctoral (PhD) dissertation

Кучкаров Хайрулла Зикириллаевич Жиноят процессида назорат тартибида иш юритишни такомиллаштириш	5
Кучкаров Хайрулла Зикириллаевич Совершенствование производства в надзорном порядке в уголовном процессе.....	27
Kuchkarov Khayrulla Zikirillayevich Improvement of supervisory review in criminal process.....	47
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	49

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ
ҲАРБИЙ-ТЕХНИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.30.08.2018.Үн.74.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ
ҲАРБИЙ-ТЕХНИК ИНСТИТУТИ**

КУЧКАРОВ ХАЙРУЛЛА ЗИКИРИЛЛАЕВИЧ

**ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА НАЗОРАТ ТАРТИБИДА
ИШ ЮРИТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика,
тезкор-кидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси

**юримдик фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019 йил

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Үу279 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) “ZiyoNET” таълим ахборот тармоғида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Рустамбаев Мирзаюсуп Ҳакимович**
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Иноғомжонова Зумрад Фатхуллаевна**
юридик фанлар доктори, профессор

Мўминов Бехзод Абдувахобович
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти ҳузуридаги юридик фанлар доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича DSc.30.08.2018.Үу.74.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил 27 декабрь соат 15:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент в., Зангиота тумани, Чорсу кўрғони. Тел.: (99871) 230-32-71; факс: (99871) 230-32-50; mg-hti@umail.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ -рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент в., Зангиота тумани, Чорсу кўрғони. Тел.: (+99871) 230-32-71; факс: (+99871) 230-32-50.

Диссертация автореферати 2019 йил 12 декабрда тарқатилди.
(2019 йил “ ___ ” _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Д.М.Миразов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раисининг ўринбосари, юридик фанлар
доктори, профессор

М.М.Нурматов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, юридик фанлар доктори,
доцент

М.Б.Усмонов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси, юридик
фанлар доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда жиноят ишлари бўйича судларнинг ҳукм, ажрим ва қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини таъминлашда назорат тартибида иш юритиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Зеро, суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини таъминланиши инсон ҳуқуқлари ва уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиниши билан чамбарчас боғлиқ. Шу билан бирга, суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ этиш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида назорат инстанцияси судлари томонидан қуйи судлар қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини таъминлашни такомиллаштириш белгилаб қўйилган. Назорат тартибида иш юритиш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш дунёдаги деярли барча мамлакатлар жиноят судлов тизимида юқори инстанция судларида иш юритиш институти мавжудлигини кўрсатади. Шу билан бирга, хориж давлатларида юқори инстанция судлари фаолиятининг ташкил этилиши, иш юритиш тартиби ва суд қарорлари шакли турлича бўлиб, уларни ўрганиш орқали шахс ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофазаси даражасини янада ошириш мумкин.

Жаҳонда жиноят ишларини назорат тартибида кўриб чиқишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш, назорат тартибида иш юритишнинг ижтимоий зарурияти ва хусусиятлари, назорат тартибида шикоят бериш ёки протест келтириш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг таснифланиши ҳамда назорат инстанцияси судининг ваколатлари тавсифи бўйича илмий тадқиқотлар олиб боришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Қайд этиш жоизки, ривожланган хорижий мамлакатларнинг мазкур йўналишдаги процессуал қонунчилиги нормаларининг ижобий ютуқлари ва бу борадаги халқаро тажрибани ўрганиш асосида миллий қонунчилик ҳужжатлари ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан боғлиқ муаммоларнинг илмий ечимини топиш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари кенг қамровли дастурий тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш ва либераллаштириш, алоҳида жиноий қилмишларни декриминаллаштириш, жиноий жазолар ва уларни ижро этиш тартибини инсонпарварлаштириш; одил судловни амалга ошириш самарадорлиги ва сифатини ошириш, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик суд иш юритувининг процессуал асосларини такомиллаштириш; жиноят, фуқаролик ва хўжалик ишларини кўриб чиқиш тартибини такомиллаштириш, бир-бирини такрорлайдиган ваколат ва инстанцияларни қисқартириш”¹ каби муҳим вазифалар белгиланган. Бу эса, мазкур устувор вазифаларнинг ижросини таъминлашда жиноят процессида назорат тартибида иш юритишни тартибга солувчи қонунчилик нормалари ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // www.lex.uz.

уларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳуқуқни қўллаш амалиётини танқидий ўрганишни тақозо этади. Шу сабабли, бугунги кунда назорат тартибида иш юритишнинг ҳуқуқий табиати, аҳамияти, унинг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиниши ва қўлланилиши амалиётида мавжуд муаммоларни аниқлаш, назорат тартибида иш юритиш самарадорлигини оширишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш долзарб масала ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (1994), Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги (2000), Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 29 январдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги ЎРҚ-463-сонли қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4850-сонли (2016), “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли (2017), “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5635-сонли Фармонлари (2019), “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон қарори (2018), Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2019 йил 24 майдаги “Жиноят ишларини назорат тартибида кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 11-сонли қарори ва соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларининг ижросини амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни такомиллаштириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жиноят процессида назорат тартибида ишларни кўришнинг илмий ва амалий муаммолари жиноят-процессуал ҳуқуқи фани доирасида илгари ҳам ўрганилган. Зеро, ҳуқуқшунос олимлар жиноят ишларини кўриш натижасида қонуний, асосли ва адолатли, ҳукм, ажрим ва қарор чиқарилишига эришиш масалаларига ўз илмий изланишлари доирасида жуда катта эътибор қаратганлар. Жумладан, Ғ.А.Абдумажидов, А.Д.Давлетов, З.Ф.Иноғомжонова, В.В.Кадырова, О.М.Мадалиев, Б.А.Миренский, Ф.М.Мухитдинов, Е.Н.Никифорова, С.С.Саҳаддинов, Ф.Ф.Мухитдинова, Б.Х.Пўлатов, А.Ҳ.Раҳмонқулов, М.Х.Рустамбаев, Г.П.Саркисянц, Б.С.Саломов, Г.З.Тўлаганова, У.А.Тухташева, М.Усмоналиевларнинг илмий ишларида назорат инстанция судларида иш юритишнинг умумий жиҳатлари қисман ўрганилган¹.

¹ Мазкур ва бошқа олимларнинг ишлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар қисмида келтирилган.

МДХ мамлакатлари ҳуқуқшунос олимлари, жумладан, В.Д.Адаменко, Л.Н.Башкатова, И.Е.Берегова, Б.Т.Безлепкин, Л.А.Богословская, В.В.Вандышев, Г.Н.Ветрова, Л.А.Воскобитов, А.В.Григорьев, В.Н.Григорьев, А.Л.Грун, К.Ф.Гуценко, Ф.М.Кудин, П.А.Лупинская, В.П.Маслов, А.Д.Назаров, И.Л.Петрухин, И.Д.Перлов, А.Л.Ривлин, А.П.Рыжаков, А.В.Смирнов, Г.П.Химичевава бошқа процессуалист-олимларнинг жиноят ишларини назорат инстанциясида кўришнинг умумий асослари билан боғлиқ илмий асарлари мавжуд.

Шунингдек, жиноят-процессуал ҳуқуқи бўйича Л.А.Богословская, Л.А.Воскобитова, Е.Б.Мизулина, Т.С.Османов, Н.Н.Норпўлатов каби олимлар томонидан жиноят процессида ҳукми бекор қилиш ёки ўзгартириш асослари билан боғлиқ жиҳатлар ўрганилган ҳамда назорат инстанция судининг фаолиятига доир номзодлик диссертациялари химоя қилинган.

Бироқ, юқорида қайд этилган муаллифлар олиб борган илмий тадқиқот ишларида жиноят процессида назорат тартибида иш юритишни такомиллаштириш масалалари комплекс ўрганилмаган. Шу боис, жиноят процессида назорат тартибида иш юритишнинг такомиллаштиришни комплекс тадқиқ этиш долзарб аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда жиноят ишларини назорат тартибида кўришни такомиллаштиришга йўналтирилган алоҳида монографик тадқиқот олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти Кенгашининг 2018 йил 30 ноябрдаги 4-сонли йиғилиш баённомаси билан тасдиқланган.

Тадқиқотнинг мақсади жиноят процессида назорат тартибида иш юритишни такомиллаштириш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг самарадорлигини таъминлашга қаратилган илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

жиноят процессида назорат тартибида иш юритишнинг назарий таҳлилини амалга ошириш, унинг ижтимоий зарурат эканлигини асослаш;

айрим хорижий мамлакатлар жиноят-процессуал қонунчилигида назорат тартибида иш юритиш хусусиятларини ўрганиш;

жиноят процессида назорат тартибида иш кўзгатиш хусусиятларини ўрганиш, назорат тартибида шикоят бериш ёки протест келтириш ҳуқуқига эга бўлган шахсларни таснифлаш;

назорат инстанцияси судида жиноят ишини кўриш тартибини таҳлил қилиш ва назорат инстанцияси судининг ваколатларини тавсифлаш;

назорат инстанцияси иштирокчилари доираси ва суд ажримлари ва қарорларини назорат тартибида бекор қилиш ҳамда ўзгартириш асосларини таҳлил қилиш;

жиноят процессида назорат тартибида иш юритишнинг процессуал тартибини такомиллаштириш йўллари аниқлаш;

назорат инстанциясида қўшимча материаллардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш юзасидан хулоса, тавсия ва таклифларни шакллантиришдан иборат.

Тадқиқотнинг объектини жиноят процессида назорат тартибида иш юритишда вужудга келадиган ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини жиноят процессида назорат тартибида иш юритишни тартибга солувчи жиноят-процессуал қонунчилик нормалари, суд амалиёти, айрим хорижий мамлакатлар тажрибаси ҳамда юридик фанда мавжуд концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Илмий изланишни амалга оширишда билишнинг илмий усулларидан - тарихийлик, мантиқий-юридик, формал, қиёсий-ҳуқуқий, тизимли таҳлил, статистик усуллар, шунингдек, социологик сўровлар ўтказиш, жиноят ишлари материаллари ва суд амалиётини ўрганиш ва бошқа методлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

вилоят судлари ва уларга тенглаштирилган судлар томонидан апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқилган ишлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов хайъатига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов хайъати томонидан апелляция ёки кассация ёхуд назорат тартибида кўриб чиқилган ишлар бўйича - Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раёсатига суд қарорлари устидан назорат тартибида шикоят қилиниши ва протест келтирилиши мумкинлиги асослаб берилган;

жиноят ишларини назорат тартибида кўриш бўйича судлар томонидан назорат тартибидаги шикоят бир ойгача бўлган муддатда, иш талаб қилиб олинмаган ва текшириладиган ҳолларда эса икки ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилиши кераклиги асослаб берилган;

жиноят процессида ишни назорат тартибида кўриб чиқаётган суд олдинги ҳукм ёки ажрим асоссиз равишда бекор қилинган ёки ўзгартирилган, апелляция, кассация ёки назорат тартибида ишни кўриш чоғида қонуннинг бузилишига йўл қўйилган ва бу ажрим ёки қарорни тўғри чиқаришга таъсир қилган ёки таъсир қилиши мумкин эди деб эътироф этган тақдирда апелляция ёки кассация инстанцияси судининг ажримлари, назорат инстанцияси судининг ажримлари ва қарорлари ҳам бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши лозимлиги асосланган;

жиноят ишларини назорат тартибида кўришда Олий суд раиси ёки унинг ўринбосари ажрими бўйича Жиноят-процессуал кодекси 515¹-моддаси учинчи қисмига мувофиқ назорат тартибида иш юритиш қўзғатилиши мумкинлиги асослаб берилган;

қонунда шикоят (протест) бериш учун бирон-бир муддат белгиланмаганлиги ҳамда қонунда назорат тартибида иш юритиш предмети бўйича муайян истиснолар назарда тутилганлиги, ҳукм чиқарилгандан сўнг қабул қилинган амнистия актини, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш масалалари юзасидан, шунингдек, маҳкумга нисбатан ижро этилмаган бир неча ҳукм мавжуд бўлиб, вақт жиҳатдан охириги ҳукмни чиқарган суд бундан бехабар бўлган

ҳолларда берилган шикоят (протест), агар унда айна бир пайтда айблов мазмуни ёки суд қарорларининг қонунийлиги ва асослилиги бўйича бошқа масалалар қўйилган бўлмаса, назорат инстанцияси суди томонидан кўрилмаслиги асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Тадқиқот натижасида жиноят ишларини суд қарорлари устидан назорат тартибида шикоят қилиш ва протест келтириш тартибига риоя этилиши жиноят процессида назорат тартибида иш юритиш институтини такомиллаштириши асослантирилган;

назорат тартибидаги протест ва шикоятларни судлар томонидан кўриб чиқишда эътиборга олинishi лозим бўлган ҳолатларга янгича ёндашув жиноят процессида назорат тартибида протест билдириш ҳуқуқига эга шахслар ваколатларини белгилаш ҳамда назорат тартибида протест ёки шикоят бериш муддатларига риоя этилишини янада ривожлантирилиши асослантирилган;

жиноят ишларини кўришда назорат инстанцияси судининг ваколатлари, назорат тартибида протест билдириш ҳуқуқига эга шахслар ваколатларини белгилаш ҳамда назорат тартибида протест ёки шикоят бериш муддатларининг аниқ белгиланиши асослантирилган;

жиноят ишларини назорат тартибида кўриш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини судлар томонидан тўғри ва бир хилда қўллаш борасида муҳим тушунтиришлар бериш ва унинг самарадорлигини оширишга қаратилган тавсиялар берилган;

жиноят ишларини назорат тартибида кўришнинг тартибини тадқиқ этиш асосида мазкур инстанция суди томонидан жиноят ишларини кўриб чиқиш учун қабул қилиш, ўрганиш ва уни такомиллаштиришга хизмат қиладиган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар расмий манбалардан олингани, халқаро тажриба ва миллий қонун ҳужжатларининг ўзаро таҳлил қилингани, ўтказилган ижтимоий сўровноманинг анкета сўрови шаклига асослангани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган илмий хулоса, унда билдирилган таклифлар, хулоса ва тавсиялардан мамлакатимизда назорат инстанциясида иш юритиш норматив-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, бу соҳадаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг самарадорлигини оширишда фойдаланиш мумкин.

Шунингдек, жиноят-процессуал ҳуқуқи фани бўйича дарсликлар, ўқув қўлланмалар ва фан дастурларини тайёрлашда ҳам ушбу таклиф ва хулосаларга таяниш ижобий натижа беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот натижаларидан қуйидагиларда фойдаланилган:

суд қарорлари устидан назорат тартибида шикоят қилиш ва протест келтириш тартибига оид таклифлар Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил

29 январдаги ЎРҚ-463-сон “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги Қонуннинг 2-моддаси 31-бандида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексини 510¹-модда билан тўлдирилишида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2019 йил 24 сентябрдаги 06/1-05/3153вх-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифлар жиноят процессида назорат тартибида иш юритиш институтини такомиллаштиришга хизмат қилган;

жиноят процессида назорат тартибидаги шикоятларни кўриб чиқиш муддатларига оид таклифлар Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 29 январдаги ЎРҚ-463-сон “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги Қонуннинг 2-моддаси 34-бандида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексини 514-моддасини тўлдирилишида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2019 йил 24 сентябрдаги 06/1-05/3153вх-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифлар жиноят процессида суд ҳукми, ажрими ва қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини назорат тартибида текширилишини янада такомиллаштириш учун хизмат қилган;

жиноят ишларини кўришда назорат инстанцияси судининг ваколатларига оид таклифлар Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 29 январдаги ЎРҚ-463-сон “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги Қонуннинг 2-моддаси 39-бандида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексини 521-моддасини тўлдирилишида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2019 йил 24 сентябрдаги 06/1-05/3153вх-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг жорий этилиши жиноят ишларини назорат тартибида кўришга оид фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қилган;

жиноят процессида назорат тартибида протест билдириш ҳуқуқига эга шахслар ваколатларини белгилаш ҳамда назорат тартибида протест ёки шикоят бериш муддатларига оид таклифлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2019 йил 24 майдаги “Жиноят ишларини назорат тартибида кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 11-сонли қарорининг 2, 4, 7-бандларини ишлаб чиқишда инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2019 йил 23 сентябрдаги ПЛ-52-19-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг қабул қилинганлиги жиноят ишларини назорат тартибида кўриш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини судлар томонидан тўғри ва бир хилда қўллаш борасида муҳим тушунтиришлар бериш учун хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 24 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференция ва семинарларда синовдан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 42 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, 15 та илмий мақола (улардан биттаси хорижий нашрларда) chop этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 8 та параграфни қамраб олган учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 147 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объект ҳамда предмети тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, уларнинг натижаларини амалиётга жорий этилиш ҳолати, шунингдек нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Жиноят процессида назорат тартибида иш юритишнинг назарий таҳлили”** деб номланган биринчи боби назорат тартибида иш юритишнинг ижтимоий зарурияти, айрим хорижий мамлакатлар жиноят-процессуал қонунчилигида назорат тартибида иш юритишни ўрганишга бағишланган бўлиб, унинг *“Назорат тартибида иш юритишнинг ижтимоий зарурияти”* деб номланган. Биринчи параграфда жиноят ишлари бўйича суд иш юритувининг мазкур шаклига ижтимоий эҳтиёж қанчалик зарурлиги тўғрисида фикр юритилган. Муаллифнинг фикрича, судларнинг қонуний кучга кирган ҳукм, ажрим ва қарорларни назорат тартибида қайта кўришнинг моҳияти уларда аниқланган камчиликларни тузатишдан иборат. Бунда суд қарори қайси суд томонидан қабул қилингани ва у қабул қилингандан сўнг қанча вақт ўтгани эътиборга олинмайди.

Назорат тартибида иш юритиш ваколатига эга бўлган суд ишни тўла ҳажмда текшириб, кўрилган иш бўйича чиқарилган ва қонуний кучга кирган барча суд ҳукми, ажрими ва қарорларини қанчалик қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилиги билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал қилади. Бу масалаларни ҳал қилиш борасида суд қарорларидаги камчиликларни аниқласа, назорат инстанция суди бу камчиликларни бартараф қилиш чораларини кўради ва шу йўл билан одил судловни амалга ошириш борасида қуйи судларнинг фаолияти устидан раҳбарлик қилади ва қонунларни бир хилда тадбиқ этишни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2019 йил 24 майдаги *“Жиноят ишларини назорат тартибида кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида”*ги қарорида *“...назорат тартибида иш юритиш фақат апелляция ёки кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича қўзғатилади”* - деб белгиланган.

ЖПКнинг 57-боби қоидаларига мувофиқ назорат суди инстанциясида суд

муҳокамасининг предмети бўлиб, назорат тартибида келтирилган протест асосида суд ҳукми ва бошқа қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш ҳисобланади. Муфассал қилиб айтганда, назорат тартибида иш юритишнинг предмети бўлиб қонунда белгиланган тартибда шикоят қилинган ҳолларда қонуний кучга кирган суд қарори ҳисобланади.

Диссертантнинг фикрича, назорат тартибида текширишнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

1) апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқилган ишлар бўйича чиқарилган ҳукм ва ажрим (қарор) устидан ЖПКнинг 498-моддасида кўрсатилган шахслар назорат тартибида шикоят беришлари мумкин (ЖПК 510-м.);

2) чиқарилган ҳукмлар ва ажримлар (қарорлар) билан бирга ишларни назорат тартибида кўриб чиқишга улар фақат апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқилганидан кейингина йўл қўйилади (ЖПК 510²-м.);

3) назорат тартибида кўриладиган ишлар доираси бошқа инстанцияларга нисбатан анча кенг, судьянинг қарори, апелляция ёки кассация инстанциясининг ажрими, суднинг ҳукми ижро этиш босқичида чиқарган қарорлари ва бошқалар назорат тартибида ишларни қайта кўриш предмети бўлиши мумкин;

4) суднинг айблов ҳукми, шахсни асосиз судланганлиги ёки жазони енгиллаштириш тўғрисидаги ҳукм ва ажримларини қайта кўриб чиқиш муддатларининг чекланмаганлиги;

5) Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раиси ва унинг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикасидаги ҳар қандай суднинг протест билдирилган ҳукми ва ажрими (қарори) ижро этилишини келтирилган протест назорат тартибида ҳал қилингунга қадар тўхтатиб туришга ҳақлидир. Қонуннинг очикдан-очик бузилганлигини тасдиқловчи далиллар мавжуд бўлган тақдирда мазкур шахслар жиноят ишини талаб қилиб олиш билан бир вақтда ҳукм, ажрим ва қарорнинг ижросини то улар юзасидан протест билдирилгунга қадар уч ойдан ошмайдиган муддатга тўхтатиб қўйишга ҳақлидир (ЖПК 517-м.).

Биринчи бобнинг иккинчи параграфи *“Айрим хорижий мамлакатлар жиноят-процессуал қонунчилигида назорат тартибида иш юритиш”*нинг хусусиятларини ўрганишга бағишланган. Назорат тартибида иш юритиш билан боғлиқ қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш хорижий мамлакатларнинг тажрибасини тадқиқ қилишга, бу борадаги тушунча ва тасаввурларнинг кенгайишига ҳамда мавжуд муаммоларни тўғри ҳал этиш йўллари топишга ёрдам беради. Диссертация доирасида ўтказилган илмий изланишлар дунёнинг деярли барча мамлакатлари жиноят судлов тизимида юқори инстанция судларида иш юритиш институти мавжудлигини кўрсатган. Диссертацияда айрим хорижий мамлакатлардаги юқори инстанция судларининг муайян жиҳатларига тўхталиб ўтилган.

Австрияда умумий судлар тизимига Олий суд бошчилик қилади ва у фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича энг юқори инстанция ҳисобланади. Олий суд маслаҳат, шеффен ва бошқа судлар томонидан чиқарилган ҳукмлар устидан келтирилган кассация шикоятларини кўриб чиқади. Олий ер судлари ишларни *“иккинчи инстанция суди”* (бу ЖПКда мустаҳкамланган) сифатида кўриб

чиқадилар. Бундай судлар Вена, Грац, Линц ва Инсбрук шаҳарларида фаолият юритиб, улар куйи судларнинг ҳукм ва қарорлари устидан келтирилган шикоятларни текширадилар.

Франция суд тизимининг энг юқори бўғини - Кассация суди бўлиб, у судларнинг тўлиқ бўлмаган таркибдаги қарорига, қарор чиқарилганда ўз ваколатларини ошириш ва номутаносиблик, қонундаги процессуал нормалар бузилиши ҳолатларига, жиноят қонунининг жиддий бузилишларига нисбатан кассация тартибида иш юритади.

*Германия*да ҳукм устидан шикоят қилишнинг икки имконияти мавжуд бўлиб, булар кассация тартибида (Benefug) ва тафтиш тартибидаги (Revision) шикоятлардир. Кассация тартибида иш кўришда қонуннинг тўғри қўлланилганлиги билан бирга, ишнинг фактик ҳолатлари аниқланади. Тафтиш тартибида эса бу ҳолатлар аниқланган ҳисобланади. Кассация тартибида иш кўрилгандан кейин ҳукм кучга кирган ҳисобланади, фақат янги очилган ҳолатлар бундан мустасно.

*Россия Федерацияси*да 2003 йил 1 январдан эътиборан назорат тартибида шикоят бериш жорий қилинган. Бунга кўра айблов ва ҳимоя тарафлари тўғридан-тўғри назорат тартибида иш кўрувчи судларга шикоят қилишлари мумкин. РФ ЖПКга 2009 йил 14 мартдаги ўзгартиришларга биноан қонуний кучга кирган суд ҳукми (бошқа суд қарори)ни маҳкумнинг, оқланган шахснинг ёки жиноят иши тугатилган шахсга нисбатан ҳолатини оғирлаштириш мақсадида қайта кўриб чиқишга, агар суд ҳукмининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигига таъсир қилган жиноят-процессуал кодексининг фундаментал бузилишига йўл қўйилиши назарда тутилган. Россия Федерацияси ЖПКнинг 402-412-моддаларида назорат инстанциясида иш юритиш тўғрисидаги қоидалар ўрин олган. ЖПКнинг 402-моддасига биноан, суднинг қонуний кучга кирган ҳукм, ажрим ва қарорларини қайта кўриб чиқиш юзасидан гумон қилинувчи, айбланувчи, оқланган шахс, уларнинг ҳимоячилари ёки қонуний вакиллари, жабрланувчи ва унинг вакили, шунингдек, прокурор илтимоснома киритишга ҳақлидир. Прокурорнинг илтимосномаси назорат тақдимномаси, қолган иштирокчиларнинг илтимосномалари эса назорат шикоятлари деб аталади. ЖПКнинг 405-моддасида назорат тартибида ишларни қайта кўришда суднинг ҳукмларини оғирлаштирувчи томонга буришга йўл қўйилмаслиги таъкидланган. Назорат шикоятлари ва тақдимномалари келиб тушган вақтдан бошлаб 30 сутка ичида назорат инстанцияси суди томонидан кўриб чиқилади.

Параграфда яна бир қатор мамлакатларнинг тажрибаси таҳлил қилинган ҳамда амалга оширилган тадқиқотларга асосланган ҳолда, муаллиф томонидан қатор илмий, назарий ва амалий хулосалар шакллантирилган.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Назорат тартибида иш юритиш амалиёти таҳлили”** деб номланган бўлиб, назорат тартибида шикоят бериш ёки протест келтириш хусусиятлари, назорат инстанцияси судида жиноят ишини кўриш тартиби, назорат инстанцияси судининг ваколатлари таҳлили, назорат тартибида иш юритиш натижасида суд ажримлари ва қарорларини бекор қилиш ҳамда ўзгартириш хусусиятлари борасидаги масалалар назарий ва амалий томондан тизимли таҳлил этилган.

Иккинчи бобнинг биринчи параграфи “*Назорат тартибида иш қўзғатиш хусусиятлари*”га бағишланган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасига кўра, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлатлар органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланганлиги боис, фуқароларнинг ҳукм, ажрим ва қарорлар устидан апелляция, кассация ва назорат тартибида шикоят билдириш ҳуқуқи ҳам уларнинг конституциявий ҳуқуқи ҳисобланади. Назорат тартибида иш юритувини бошлашга манфаатдор шахслар (маҳкум, унинг ҳимоячиси, жабрланувчи унинг қонуний вакили) нинг шикоятлари асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Айблов ҳукмини бекор қилиш ёки маҳкумга енгиллик берувчи қонунни қўллаш мақсадида назорат тартибида иш юритишни бошлаш муддати чекланмаган. Маҳкумнинг ҳолатини янада оғирлаштирадиган асосларга кўра, айблов ҳукмини, суд ажрими ёки қарорини, шунингдек, оқлов ҳукмини ёхуд ишни тугатиш тўғрисидаги суд ажрими ёки қарорини қайта кўришга улар қонуний кучга кирганидан сўнг йил давомида рухсат этилади.

Одатда, назорат тартибида иш қўзғатишга асос бўлиб, жиноят қонунининг нотўғри қўлланилиши, жиноят-процессуал қонунчиликнинг бузилиши, жазонинг оғирлиги, асосизлиги, фуқаровий даъво юзасидан низо келиб чиқиши, ноқонуний оқлов ҳукми чиқарилиши ёки ишнинг тугатилиши ва бошқа сабаблар кўрсатилади. Апелляция, кассация ва назорат инстанцияларининг ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш шакли, тузилиши, иш юритиш механизми ва мазмуни деярли бир хил. Шикоятларни қабул қилиш, шикоятга қўйилган талаблар, протест келтириш мажбурияти, иш кўриш тартиби, юзага келган келишмовчиликларни бартараф қилиш ва чиқариладиган қарорларнинг мазмуни шулар жумласидандир. Ҳукми бекор қилиш ёки ўзгартириш асосларининг ягоналиги ҳам уларнинг ўзига хос хусусиятидир. Лекин, таъкидлаш жоизки, текшириш босқичи чуқурлашиб борган сари унинг иш кўриш предмети кенгайиб боради. Назорат инстанцияси нафақат судга қадар иш юритуви фаолияти, биринчи инстанция судининг ҳукми, балки апелляция ва кассация судининг ажримларини ҳам текширади.

Диссертантнинг фикрича, қонуний кучга кирган ҳукм дахлсизлик ва мутлақлик каби ўзига хос хусусиятлар билан тавсифланади. Бу қонуний кучга кирган ҳукм фақат назорат тартибида қайта кўриш натижасида ёки очилган янги ҳолатлар туфайли бекор қилиниши ва ўзгартирилиши мумкинлигини англатади.

Суд ҳукми, ажрими, қарори устидан шикоят ва протест киритиш ҳуқуқига эга шахслар, берилган шикоят ва киритилган протестни кўриб чиқувчи шахслар ҳамда жиноят ишини кўрувчи субъектлар назорат инстанцияси судида иш юритиш субъектлари ҳисобланади.

Диссертантнинг фикрича, тарафларнинг тенглигини таъминлаш мақсадида, прокурорнинг ваколатларини суд жараёнининг бошқа иштирокчилари ҳуқуқлари сингари тенглаштириш зарур. Бинобарин, унга назорат тартибида шикоят бериш ҳуқуқини белгилаш лозим. Бу эса, суд жараёнининг бошқа иштирокчилари билдирган шикоят сингари, ЖПКнинг 498, 510-моддаларида белгиланган

тартибда суд томонидан кўриб чиқилиши мумкин бўлади.

Иккинчи бобнинг учинчи параграфида “*Назорат инстанцияси судида жиноят ишени кўриши тартиби*” ўрганилган. Назорат инстанцияси судида жиноят иши ЖПКнинг 506-моддасида тартибга солинган қоидаларга биноан кўрилиши белгиланган. Суд мажлиси раислик қилувчининг суд мажлисини очиши, кўриладиган ишени эълон қилиши, суд мажлисига келган иштирокчиларнинг келган-келмаганлигини аниқлаши, шундан кейин ишга киришиш ёки киришмаслик тўғрисидаги масалани ҳал қилиш билан бошланади. Раислик қилувчи суд таркибини, суд мажлисида ҳозир бўлган томонлар (иштирокчилар) нинг фамилияларини эълон қилади. Рад қилиш асослари бор ёки йўқлигини аниқлайди ва бу ҳақда қарор қабул қилади. Раислик қилувчи суд мажлиси иштирокчиларининг ҳақ-ҳуқуқларини тушунтиради. Суд мажлиси иштирокчиларининг илтимослари бор-йўқлигини сўрайди. Билдирилган илтимослар бўйича суд ажрим чиқаради. Агар илтимосларни қаноатлантириш зарур бўлса, суд мажлиси кейинга қолдирилиши мумкин. Шу билан суд мажлисининг тайёргарлик қисмига яқун ясалади.

Шуни назарда тутиш лозимки, жиноят-процессуал қонуни нормалари жиддий бузилганлигининг аниқланиши назорат инстанцияси судини шикоят ёки протестда келтирилган бошқа важлар (айбловнинг исботланганлиги, квалификациянинг тўғрилиги, жазонинг адолатлилиги тўғрисида ва ҳ.к.) ни ҳам мазмунан кўриб чиқиш ва улар бўйича ажримда тегишли хулоса чиқариш мажбуриятдан озод этмайди.

Жиноят иши бўйича йўл қўйилган жиноят-процессуал қонунни бузилиши ҳоллари, назорат инстанцияси суди томонидан айблов ҳукми бекор қилиниб, ишнинг ЖПК 83, 84-моддаларига мувофиқ тугатилишига тўсиқ бўлмайди.

Назорат инстанциясида зарур бўлса, қисман суд тергови ўтказилади. Ишени кўриш судьялардан бирининг маърузаси билан бошланади. У ишнинг моҳияти, шикоят ва протестнинг важлари ҳамда уларга қарши билдирилган эътирозларнинг моҳиятини баён қилади. Судга қўшимча материаллар тақдим этилган ёхуд суднинг ўзи бундай материалларни талаб қилиб олган ҳолларда раислик қилувчи ёки судья уларни ўқиб эшиттиради ва ишда иштирок этаётган шахсларга танишиш учун тақдим қилади.

Суд мажлисида ҳозир бўлган шахслар (маҳкум, оқланган шахс уларнинг ҳимоячилари, қонуний вакиллари, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар) тушунтирув берадилар. Иш бўйича протест берган прокурор протестни асослаб беради. Агар мажлисда гувоҳ, эксперт, мутахассис иштирок этаётган бўлса, улар ҳам тушунтириш берадилар. Шундан сўнг, тарафларнинг музокараси бошланади. Аввал айблов томон, сўнгра ҳимоя томони сўзга чиқади. Музокара тартиби ЖПКнинг 449-моддасида белгиланган тартибда амалга оширилади. Агар мажлисда маҳкум иштирок этаётган бўлса, унга охириги сўз берилади ва суд қарор чиқариш учун маслаҳатхонага киради. Суд муҳокамасининг бориши ва мазмуни ҳақида суд мажлисининг баённомаси тузилади. Баённома қарор чиққан куннинг эртасидан, мураккаб ишлар бўйича эса уч суткадан кечиктирмай имзоланиши лозим. Суд мажлиси баённомаси имзолангандан кейин беш сутка ичида тарафлар ушбу баённома юзасидан ўз мулоҳазаларини беришга ҳақлидирлар.

Диссертациянинг иккинчи боби учинчи параграфида “*Назорат инстанцияси судининг ваколатлари таҳлили*” амалга оширилган. Олий суд қонунда белгиланган тартибга асосан, суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш ваколатига эга. Одил судловни амалга ошириш натижасида суд томонидан жинойт иши юзасидан қабул қилинган ҳар қандай ҳукм, ажрим, қарор қонуний, адолатли ва асосли бўлиши керак. Назорат инстанциясида ишни кўриб чиқаётган Олий суд жинойт ишлари бўйича ҳайъатининг зиммасига ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини аниқлаш, шикоятдаги ҳар бир важга асосланган ҳолда жавоб бериш, шикоят берган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан ҳимоя қилинадиган манфаатлари бузилишини олдини олиш, шикоят билдирилган қарорнинг қонуний, асосли ва адолатлилигини таъминлаш учун зарур чора-тадбирларни кўриш вазифаси юкланган.

Назорат тартибида иш юритиш – жинойт ишлари бўйича қуйи инстанция судлари чиқарган ҳукм (ажрим, қарор) ларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона кўриш ҳамда текширишни амалга оширадиган суд инстанцияси фаолиятидир. Бу эса, ўз навбатида, қуйи инстанция судлари томонидан қонунчиликни амалда тўғри қўллаш самарадорлигини оширади. Зеро, назорат инстанцияси судида иш юритишнинг асосий мақсади – одил судловни таъминлаш, дастлабки тергов, биринчи инстанция, апелляция ва кассация судларида йўл қўйилган қонун бузилишларни олдини олиш, қонунларнинг барча судларда бир хил тадбиқ этилишини таъминлаш ҳамда қонуний, асосланган ва адолатли ҳукмларнинг ижро этилишини таъминлашдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорида кўрсатилишича, назорат инстанцияси суди ишни янгидан судда кўриш учун юбориш пайтида, айбловнинг исботланганлиги ёки исботланмаганлиги, у ёки бу далилнинг ишончли ёки ишончсизлиги, жинойтнинг квалификацияси ва жазо тўғрисида дастлабки тергов органлари ва суд томонидан чиқариладиган хулосаларни олдиндан ҳал қилувчи кўрсатмалар беришга ҳақли эмас.

Назорат инстанцияси суди, ҳукм (ажрим, қарор)ни бекор қилиб, ишни янгидан судда кўришга юбораётганда, ўз қарори (ажрими)да қандай ҳолатлар ҳукм (ажрим, қарор) нинг бекор қилинишига асос бўлганлигини ва йўл қўйилган қонун бузилиши қандай бартараф этилиши кераклигини кўрсатиши шарт.

Мазкур бобнинг тўртинчи параграфида “*Назорат тартибида иш юритиш натижасида суд ажримлари ва қарорларини бекор қилиш ҳамда ўзгартириш хусусиятлари*” илмий таҳлил қилинган. Назорат тартибида ҳукмларни қайта кўриш институти бир томондан, қуйи судлар томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этишга хизмат қилса, иккинчи томондан, барча судлар томонидан қонунларни бир хилда қўллашга ёрдам беради. Мазкур вазифаларни бажаришда суд муайян мезонларга таянади. Ушбу мезонлар қонунда белгиланган бўлиб, унинг асосида суд қарорлари бекор қилинади ёки ўзгартирилади.

ЖПК 482-моддасига мувофиқ, назорат инстанцияси суди шикоят ёки протестда баён этилган важлар билан чегараланмасдан, ишни барча маҳкумларга,

шу жумладан шикоят бермаган ҳамда устидан шикоят ёки протест билдирилмаганларга нисбатан ҳам тўла ҳажмда текширади. Иш бўйича бир неча маҳкум (оқланган шахс) ўтган бўлиб, улардан айримларига нисбатан протест билдирилган ҳолларда, назорат инстанцияси судида иш барча маҳкумларга (оқланган шахсларга) нисбатан текширилади. Агар протест билдирилмаган шахсларга нисбатан суд қарорларини бекор қилиш ёки ўзгартириш учун асослар бўлмаса, ажрим (қарор) да ишнинг уларга доир қисми текширилганлиги ва уларга нисбатан чиқарилган суд қарорлари кучида қолдирилганлиги кўрсатилмаслиги лозим.

Суд қарори назорат тартибида шикоят ва протест асосида қайта кўриб чиқиши мумкинлиги сабабли, суд уларда кўрсатилган асослар бўйича маҳкум, оқланган ёки иши тугатилган шахснинг аҳволини, кейинчалик оғирлаштирувчи (фақат ЖПК 490-моддаси бешинчи қисмида кўрсатилган масалалар бўйича) ажрим (қарор) чиқариши мумкин. Қонунга кўра, суд протестда келтирилган вазлар доирасидан четга чиқиш, шунингдек, протест билдирилмаган маҳкум (оқланган шахс)ларга нисбатан суд қарорларини бекор қилишга, башарти бу улар аҳволининг оғирлашишига олиб келса, ҳақли эмас (ЖПК 494-м. 2-3-қ.).

Ҳозирги кунда амалдаги қонунчиликка кўра, назорат инстанцияси суди қай даражада далилларни тўпланганлиги (уларнинг тааллуқлилиги, етарлилиги ва мақбуллиги), аниқланган ҳолатлар (уларнинг исботланиши ва тўлиқ аниқланиши нуқтаи назаридан) ва хулосалар (ишнинг ҳолатига мос келиши нуқтаи назаридан) у ёки бу моддий ҳуқуқ нормаларини қўллаш имконини беради, чунки назорат инстанцияси нафақат қонунийликни текширади, балки суд ҳужжатининг асослилигини ҳам текширади.

Ишнинг мазкур қисмида муаллиф назорат инстанцияси томонидан суд ажримлари ва қарорларини бекор қилиш ва ўзгартириш асосларини танқидий таҳлилдан ўтказган ва тегишли хулосаларни билдирган.

Диссертациянинг **“Назорат тартибида иш юритишни такомиллаштириш йўллари”** деб номланган учинчи бобида назорат тартибида иш юритишнинг процессуал тартибини такомиллаштириш масалалари, назорат инстанциясида қўшимча материаллардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чоралари тадқиқ этилган. Учинчи бобнинг биринчи параграфида *“Назорат тартибида иш юритишни процессуал тартибини такомиллаштириш масалалари”* ўрганилган бўлиб, диссертант назорат тартибида иш юритишнинг процессуал тартиби билан боғлиқ жиҳатлар кўплаб процессуалист олимларнинг эътиборида бўлиб келган, деб эътироф этади. Чунки, жиноят процессининг ҳар бир босқичида иш юритишнинг процессуал тартиби мазкур босқичнинг асосий мазмунини ўзида ифодалайди. Муаллиф фикрича, назорат инстанциясида иш юритиш турли жараёнларни ўз ичига олган қуйидаги босқичлардан иборат:

1. Жиноят процессида назорат тартибида шикоят ёки протест бўйича дастлабки текширув, ташкилий-тайёрлов ва назорат-текширув жараёнлари;

2. Назорат инстанцияси судида таркибий жиҳатдан ва мазмунан қуйидагиларни ўз ичига олувчи дастлабки иш юритиш:

- жиноят процессида назорат тартибида иш юритиш тўғрисидаги шикоятни тегишли суднинг девонхонасида қабул қилиш ва рўйхатдан ўтказиш;

- ушбу шикоятда назорат тартибида иш юритишни бошлаш учун етарли асослар мавжудлигини текшириш учун уни тегишли судьяга топшириш;

- шикоят ва унга қўшиб топширилган хужжатларни ўрганиш; зарур ҳолларда жиноят ишини талаб қилиб олиш ва унда назорат тартибида иш юритиш учун етарли асослар борлиги (йўқлиги)ни аниқлаш мақсадида жиноят ишини ўрганиш;

- шикоят юзасидан қарор қабул қилиш ва ушбу қарор ҳақида шикоят билан муурожаат қилган шахсга хабар бериш;

- суд раиси ёки унинг ўринбосарлари томонидан судьянинг қабул қилган қарорини факультатив тарзда назорат қилиш;

3. Жиноят процессида назорат тартибида иш юритиш: ишни назорат тартибида кўриш учун тайёргарлик; ишни назорат тартибида қайтадан кўриб чиқиш ва уни ҳал этиш.

Муаллиф томонидан амалга оширилган суд амалиётини ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, аксарият ҳолларда жиноят иши материаллари ишни тўлиқ ўрганиш мақсадида талаб қилиб олинади.

Суд амалиётида шундай ҳолатлар ҳам учраб турадики, назорат инстанциясида судья томонидан жиноят иши материаллари талаб қилиб олинмасдан, фақатгина шикоятда кўрсатилган важлар ҳамда тақдим этилган хужжатлар, маълумотлар асосида қарор қабул қилади. Бунинг натижасида шикоятда кўрсатилган важлар ва асосларнинг муҳимлиги текширилмайди, қуйи бўғин инстанцияси судлари томонидан йўл қўйилган камчиликлар бартараф этилмай қолишига олиб келади.

Юқоридагилардан кўринадики, судлар томонидан назорат тартибида берилган шикоятларни кўриб чиқишда жиноят иши материалларини ўз вақтида талаб қилиб олмаслик, қонун бузилишига олиб келиши мумкин. Шу боисдан, назорат тартибида берилган шикоятларни кўриб чиқишдан олдин жиноят иши материалларини ҳар доим талаб қилиб олиш мақсадга мувофиқ. Натижада назорат тартибида ишни кўрувчи судлар фаолияти самарадорлигини оширишга эришилади.

Назорат инстанция суди олдида турган вазифаларни ҳал қилиш учун у томонидан аниқланган суд хатоликлари бўйича ўз фикрини билдириши лозим. Бунда ушбу хатоликлар протест ёки шикоятда кўрсатилмаган бўлса ҳам, назорат инстанция суди томонидан таҳлил қилиш ва умумлаштириш асосида амалга оширилади.

Юқоридаги таҳлиллардан кўринадики, Жиноят-процессуал кодексда назорат инстанциясида ишни кўриш тартиби батафсил тартибга солинмаган. Шу боисдан ЖПКнинг 520-моддасини янги 2, 3, 4-қисмлар билан тўлдириш тақлиф этилган.

Учинчи бобнинг иккинчи параграфи *“Назорат инстанциясида қўшимча материаллардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш”* масалалари тадқиқига бағишланган. Назорат инстанциясида қўшимча материаллардан фойдаланиш жиноят-процессуал фанида муайян баҳс мунозараларга сабаб бўлиб келади. Қонун чиқарувчи бу ўринда *“бошқа материаллар”* иборасини ишлатади. ЖПКнинг 68, 179, 185, 479, 481, 497⁶, 497¹¹, 502, 506-моддаларида судга, терговчига ва экспертга қўшимча материаллар тақдим этиш билан боғлиқ

ҳолатлар назарда тутилган.

ЖПК 481-моддасига кўра, апелляция, кассация, назорат инстанциясига процесс иштирокчилари иш учун аҳамиятга молик хужжатлар, мутахассисларнинг фикрлари ва бошқа қўшимча материалларни тақдим этишга ҳақлидирлар. Бундай материаллар суд томонидан ишни кўришга тайёрлаш вақтида ҳам талаб қилиб олиниши мумкин. Қўшимча материаллар ЖПК 149, 170, 290 ва 398-моддаларида назарда тутилган тергов ҳаракатлари ўтказишни терговчига топшириш йўли билан ҳам олиниши мумкин. Демак, қўшимча материаллар процесс иштирокчилари томонидан ҳар қандай суд босқичига ҳамда тергов ҳаракатлари амалга ошириладиган вақтда тақдим этилиши мумкин.

Муаллифнинг таъкидлашича, ЖПКда қонуншунос томонидан қўшимча материаллар тушунчаси ифодалаб берилмаган. Бироқ, бу борада жиноят-процессуал ҳуқуқида ҳамда суд амалиётида муайян фикр-мулоҳазалар ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти шаклланди дейиш мумкин.

Ҳақиқатан ҳам қўшимча материаллар жиноят-процессуал ҳуқуқида ҳақиқатни аниқлаш ҳамда жиноят ишини қонуний, асосли ва адолатли бўлиши учун муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда ҳақли савол туғилиши мумкин: қўшимча материаллар назорат инстанция суди томонидан қабул қилинадиган қарорнинг асоси бўла оладими?

